



FARG'ONA VILOYATI SO'X TUMANI HOKIMINING  
QARORI

---

---

Rovon shaharchasi 151400. A.Temir ko'chasi 95-yil. Tel (73) 462 50 30.

\_\_\_\_\_ -2021 yil

№ - \_\_\_\_\_



FARG'ONA VILOYATI SO'X TUMANI HOKIMINING  
QARORI

Rovon shaharchasi 151400. A.Temir ko'chasi 95-uy. Tel (73) 462 50 30.

30-01-2021 yil

№ - 12

**Сўх тумани “Қози Исмат Домулло” хусусий ишлаб чиқариш фирмасига  
чорвачиликни ривожлантириш ҳамда озуқа экинларини экиш учун  
туман ҳокимлиги захирасидан ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6,25-моддаларига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 08 август кундаги “2020-2021 йилларда Фарғона вилояти Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4798-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги “Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4576-сонли қарорларига асосан тумандаги “Қози Исмат Домулло” хусусий ишлаб чиқариш фирмаси бошлиғининг туман ҳокими номига 2021 йил 16 январ кундаги 01-сонли ёзган мурожаати ва туман ҳокимлиги ҳузуридаги комиссиясининг 2020 йил 16 январ кундаги тузилган хулосасини кўриб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”-нинг 6-моддасига асосланиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН**

1. “Қози Исмат Домулло” хусусий ишлаб чиқариш фирмаси бошлиғининг туман ҳокими номига 2020 йил 16 январ кундаги 01-сонли ёзган мурожаати ва туман ҳокимлиги ҳузуридаги комиссиясининг 2020 йил 16 январ кундаги тузилган хулосаси инobatга олинсин ва тасдиқлансин.
2. “Қози Исмат Домулло” хусусий ишлаб чиқариш фирмасига туман захира ер ҳисобидаги “Сўх” ширкат хўжалиги ҳудуди Малбут массиви 12-сонли ер контуридан чорвачиликни ривожлантириш ҳамда озуқа экинларини экиш учун жами 16.0 га шундан 0.20 га бино иншоот (молхона) ер майдони ва 15.80 га экин ер майдони ажратиб берилсин.
3. Кадастр агентлиги туман бўлими бошлиғи (Р.Нозиров)га “Қози Исмат Домулло” хусусий ишлаб чиқариш фирмасига жами 16.0 га шундан 0.20 га

бино иншоот (молхона) ер майдони ва 15.80 га ер майдонини ажратиб бериш ҳамда ер ҳисоби ва ҳисоботиға ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

4. Туман Давлат солиқ инспекцияси (Ф.Турабоев)ға “Қози Исмат Домулло” хусусий ишлаб чиқариш фирмасини амалдаги тартиб асосида солиқға тортиш вазифаси топширилсин.

5. “Қози Исмат Домулло” хусусий ишлаб чиқариш фирмаси камида 16 та янги иш ўрин яратиш ҳамда белгиланган мақсад учун ажратиб берилган ер майдонидан мақсадли фойдаланиш вазифаси топширилсин ва мазкур ер майдонига уй жой ва бошқа турдаги бино иншоот кўриш катъиян ман этилсин.

6. Агар “Қози Исмат Домулло” хусусий ишлаб чиқариш фирмаси ер майдонидан мақсадли фойдаланмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддаси 10-бандига мувофиқ ер участкасига бўлган ҳуқуқи бекор қилинсин.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари М.Мавлонбеков зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



С.Сайидмусаев

